Ҳозирги кунда ёилги масаласи барча хўжалик раҳбарлари, мутахассисларни чўқур ўйлантирапти. Даромаднинг катта қисми ёилги-мойлаш материаллари учун сарфланмоқда. Кенгашида таъкидланганидек, мустақил ҳамдўстлик давлатлари билан алоқаларнинг узил-қолиши ўзимиз қишлоқ хўжалик машиналари, эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқаришимизни талаб этапти. Ўртоқ И. Ҳ. Жўрабеков маърузасини ўқиб ҳозирча 40 номда машина ва механизмларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилганлиги, яна 30 тасни йўлга қўйиш ҳақида қайғурилаётганлигини билди қўйганимиз таскини топти. Яна шу нарса равшанки, пахтакорлар самарадор илмий-тадиқотларга эга бўлгандагина юқори ҳосил олишлари мумкин. Шу мақсадда қишлоқ хўжалик фанлари академияси ташкил этилди. Лекин унинг пахтачилик муҳим муаммоларини ҳал этишга қўшаётган хиссаси ҳозирча биз — заршуосларни қаноатлантирмапти. Умуман бозор шароитида ҳар ним ўз кучига, имкониятига, билимига, ташкилотчилигига ишонини керак. Мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланиб тўсиқларни бартараф эта оласан, ривожланишининг ойдин ўйинга чиқиб олишимиз аниқ. Бунинг учун ҳар бир иш жойида соғлом, иқодий муҳитни мустаҳкам қарор тоштириб, барча бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилиш керак.

Деҳқон баҳори бошланди. У интиқ қалбларга олам-олам қувонч бағишласин. Чиғитни белгиланган муддатда экиб олайлик.

Мирза САФАРОВ,
Мирзаҷўл райондаги «Янгидала»
давлат хўжалиги раҳбари.



Хўжалик шўҳрати ТИКЛАНЯПТИ



1992 йилнинг май ойи эди. Ихтисодий қолоқликка юз тутган «Чиноз» давлат наслчилик хўжалик-техникумига илгари Чиноз району деҳқончилик-саноат уюшмаси расиси бўлиб ишлаган Тўлаған Омаров директор қилиб тайинланди. Тажрибали мутахассис ишчи наарларни жой-жойга қўйишдан бошлади. Илгари бош зоотехник бўлиб ишлаган Эргаш Бобоевни, сутчилик комплексида, Эмомали Эрматовни бош зоотехник, ёш мутахассис Ҳасан Аҳмедовни бош ихтисодчи қилиб тайинлади. Яна бир қанча мутахассисларнинг ҳам ўрни ишчан ва ташаббускор кишиларга алмаштирилди.

Чорвачиликда кичкинчи даражали ишлар бўлмайди, — дейди Тўлаған Омаров. — Албатта, ўз вақтида амалга оширилиши лозим бўлган ҳар бир иш бир-бири билан узвий боғланган. Шунинг учун ҳар бир ишга астойдил эътибор бериб қараш муҳим. Хўжаликни ихтисодий қолоқликдан олиб чиқиш фақат ишчан ва ташаббускор кадрларнинг қўлидадир. Шу боисдан ҳам бош масала — кадрларни танлаб, жой-жойга қўйиш ва яхши кадрларни тарбиялаш керак, деган ҳулосага келдик.

Кўп ўтмай районда: «Омаров 120 кишини қисқарттирибди», деган шов-шув тарқалди. — Битта директорга бешта муоинининг нима кераги бор? Биттаси ҳам етади, — жавоб қилди Омаров.

Албатта, қисқаришга учраган кишиларга ҳам иш топилиди. Масалан, сутчилик комплексида бешта бригада мавжуд эди. Бригадалар барлаштирилди, биттага келтирилди. Лаборант шпати қисқартрилди, бригадир экинчи мансабга жорий этилди. Лаборантлик вазифасига алоқадилди. Бу ўзгаришлардан унум ҳам, моддий манфаатдорлик ҳам ошди.

Чорвачиликни ривожлантирмадан, деган чорвадор албатта озуқа етиштиришга алоҳида эътибор бериши керак. Хўжаликда оилавий пудрат асосида иш олиб борилади. Кўзги экинлар ўз вақтида экилади. 107 гектар ерга оралик экинлари, 210 гектарга янги беда, 235 гектарга арпа, 115 гектарга бургун, 18 гектарга жаада сешилди. Бу йил 235 гектарга беда, 100 гектарга хашаки лавлаг, 66 гектарга дон учун, 408 гектар ерга эса силос учун манкажўхори экиш режалаштирилди. Айни кунларда экин қизғин тус олган.

Хўжаликда чорвачиликнинг талаб ва эҳтиёлларини қондириш учун мустаҳкам озунка базасини яратишга ҳаракат қилмоқдалар. Ем-хашакни сарфлаш, уни таниш ва тарқатишда ноубудгарчиликка йўл қўйилмапти. Фермалардан 300 тонна нишхўрд йиғиб олиниб, қайта ишлов берилди ва бурдоқчилик фермасига юборилди. Шу тадбирнинг

ЭГИЗ ҚЎЗИЛАР

Уйчи райондаги Беруний номида жамов хўжалиги чорвадорлари хўшга отландилар. Бош зоотехник Эркинбой Нормирзаев илгор чўпон Ортиқбой Мўлдабеков ҳақида илғи гаплар айтди.

Бизни отар чўпонлари қадрдонлардек қаршилади. Ортиқбой ва турмуш ўртоғи Ойхон янги туғилган қўнчоқларни ажратиб билан банд. Оила фарзанди Шарифбой қўйларни яратиб боқиш учун яйловга ошмак олинди.

Ишминдан нолимаймиз, — дейди О. Мўлдабеков. — Аллоҳга шўқлар бўлсинки, меҳнатимиз самарасини қўрайлик. Масум чарчатиб қўятгани йўқ. Соғлиқларингиз кўни қўзлариди. Отарга масъул кишилар бириктирилган. Жамов бошқарувида ҳам навбатчилик туғруқи ташкил этилган. Хусусан Валиев, Ҳабушон Ҳайдаров, Раҳимжон Қўнайимов каби фаоллар ҳолиминдан хабар олиб туришибди.

Дарҳақиқат, Ортиқбой Мўлдабеков шайига фақат илғи гаплар айтди мумкин. У 1977 йилдан бундан чўпон тағйини қилидан туширмай келди. Бу йил чўпон отаридаги 205 соғлиқ қишлоқдан соғлом олим чиқиди. Айни вақтда соғлиқлардан 180 бошдан зиёд қўзи олиниб, асосий қисми ўстиришга қолдирилди. Ҳар она қўйга кунига бир килограммдан эм, шунча миқдорда беда, 2 килограмм шөлуха ва бошқа тўғилми озуқа бериляпти. Шунинг учун қўй-қўзилар дуркун, Ортиқбойнинг шогирди бош чўпон Абдурахмон Ҳожиёв отарида ҳам масъулиятли масум қувончли яқуланмоқда.

М. КОДИРОВ.

ТАРМОҚНИ ЎНГЛАШ МУМКИН

Кейинги пайтларда чўпон чорвачиликда режалар бажарилаётган бўлсада, соҳадан зарар қўрилатганлиги ҳусусида тез-тез гапирилмоқда. Ҳар нега шундай ҳолат юз беришда?

Бунга бир хўжалик миросида таҳлил қилиб чиқишнинг лозим топлди. Гузалкент райондаги «Машиқал» жамов хўжалиги сут-вар фермасида 200 бош қорамол парварши қилинапти. Шундан 93 таси сугилардир. Ферма тасарруфига 128 гектар беда майдони ажратилган. 100 гектардан зиёдроқ майдонга галла экинган. Омихта эм эса анчадан бундан муаммо. Хўжалик аҳолидан олинган сут ҳисобига йиллик режанин ортиғи билан улдалади. Таассуфлар бўлсинки, хўжалик чорвадорлари 1992 йили 898 минг сўм зарар билан яқунланди. Сутчиликнинг ўзидан 610 минг сўм зиён қўрилди.

Бедалоқлардан олинган емиш фақат фермадаги сугиларга тақсимланмайди, албатта. Бошқарув расни аҳоли чораси учун ҳам қайғуришга мажбур. Тўғилчиликни таъминлашнинг бош йўналиши аҳоли чораси билан узвий боғлиқ. Қол-хочи молни йил мобайнида озуқа билан бирдек таъминлаш олмайд. Бундан ташқари, фермага келтирилган омихта эм, ҳар томонга «торт-торт» қилинганлиги қўпчиликка маълум.

Шу ўринда бир таклифни илгари сурамочқимиз. Умуман хўжаликлар ҳисобидан моллар фермерларга берилса, мақсадга мувофиқ бўлмасмикин? Албатта, жононворлар давлат ҳисобида қолади. Мол парварши, туғи сонининг кўпайиши хўжалик зоотехниги ёки ферма мудири томонидан ҳисоб-китоб қилинади. Мол олган хондон эгаларига хўжалик ҳисобидан озуқа ёки ер ажратилса қандай бўларкин? Бу бир таклиф, холос. Асосий ниятим шуки, эндиликда тушпа-тушқу фермалардан катта зиён қўрилатганидига тоқат қилиб бўлмайди.

Яйловдан қайтар эканмиз, ҳаммагини қайфияти яхши эди. Мен ҳамроҳимнинг қўнлидан кечган гапни сездим: «Элимининг бахтига Нормурод чўпондек меҳнатқор одамлар омон бўлсин!» Улар бор, халқимизнинг дастурхонини тўқин, юрт ўғлонларининг илғи бакуват, ўзи ботир бўлади!»

Абдужалол ТАШПАТОВ,
ЎЗА мухбири.

ҚИСҚА САТРАЛДА

Қува туманидаги «Гулистон» жамов хўжалиги ёғ заводига эга бўлди. Эндиликда хўжалик ихтиёрида қолган пахта ҳосилининг чиғити шу ернинг ўзида қайта ишланиб, таёёр маҳсулотга айланганди. Завод ҳар ойда 158 тонна пахта ёғи ишлаб чиқариш қувватига эга.

Самарқанд шаҳридаги 7-подклиникада беморларни «тоғ ҳавоси» билан даволашга киришилди. Марказий Осиёда ҳозирча ягона ҳисобланган бу усул аёлларда учрайдиган камқонлик, на-

фас қисини каби хасталикларнинг тез тувалиб кетишига имкон беради. «Тоғ ҳавоси» жойлашган хонага кириб, унинг руҳини телиштиришдан ажиб баҳонадан баҳраманд бўлганларнинг ўзинини енгил ҳис этасиз.

«Тоғ ҳавоси»ни вуқудга келтирадиган аппарат маҳсус суюлтирилган қимматбаҳо қимийоти модда ёрдамида ишлайди. Айни пайтда янгилик муаллифларидан бири, Беруний муҳофазоти совриндори Темир Ҳамроқулов бошчилигидаги омилкор «тоғ ҳавоси» солинган балончаларни Самарқандда тўдирши йўлини изламоқда.



Хурматли Пўлдош Халилов! Барчамиз учун азиз ва муқаббар кадрдон бўлган Сизни оила аъзоларимиз ҳамда қавму қариёндошлар номидан ҳаётингизда унутилмас сана — муборак 60 ёшингиз билан чин дилдан кутлаймиз.

Сиз нафақат қариёндош-уруғлар, ёру биродарлар

орасида, балки ёшлик куч-ғайратингизни, билим ва маҳоратингизни сарфлаган ўрта Осиё кабеллар ишлаб чиқариш бирлашмасининг жамоасида ҳам ҳурмат-эътибор қозонгансиз. Бугунги шодиена кунингизни ҳам-жиҳатлик билан баҳам кўриш учун қариндош-уруғлар, ҳамкасблар, дўсту ёронларингизнинг хонадонингизга ташриф буюриши сиздек захматқор инсонга бўлган иззат-иқромли рамайдир.

Сизга узоқ умр, мустаҳкам сихат-саломатлик, хонадонингизга тинчлик-хотир-жамлик тилаймиз. Фарзандларингиз ва набираларингиз учун доимо нобсон бўлиб юринг, уларнинг орау ҳавасини, иқболини кўринг, шодулуқ хурамлиқ ҳаммага йўлдошингиз бўлсин.

Қавму қариёндошлар ҳамда оилавий номидан: Эркин ТўЛАҒАНОВ.

ХАБАР

Тошкент олий ўқув юрти-ларида таълим олаётган бир гуруҳ ақнавий талабалар 4 апрелда ўтар кечаги миқдони соғлиқлик хизмати хондимларига хужум қилди. Хужум қилганлардан бири — Конго Республикасининг фуқароси тўқнашув вақтида оғир яраланиб, ҳалок бўлди. Прокуратура идоралари жиноий иш қўзғади. Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги Конго Республикасининг Москвадаги элчихонасига нота юбориб, содир бўлган воқеадан хабардор қилди.

Эртасига, -5 апрель куни (ЎЗА).

ОМИХТА ЕМ ТАЙЁРЛАНМОҚДА

Андижон туманига қарашли Абдухалиқ Исломов номидаги жамов хўжалигида ҳар кеча кундузда 55 тонна маҳсулот тайёрланадиган

омухта ем заводи ишга тушди. Шунингдек, замонавий техника билан жиҳозланган тегирмон қурилиши илҳосига етмоқда. Хўжаликда иш-

СЎЗИДА УСТИВОР ЧЎПОН

Чўпон вақт пешиндан оққан эди. Нормурод ака 35 йилдан бундан чўпонлик қилар экан. Икки марта виллоят кенгашига халқ номи этиб сайланибди. Собиқ Иттифокнинг «Қизил байроқ» орденига ҳам сазовор бўлган. Хуллас, меҳнатқор, наътари инсон. Отаси Тўра бува ҳам умр бўйин чўпонлик қилган эканлар.

Нормурод ақани нисбатан анча ёшартириб кўрсатилган илҳам ҳусуси, чакқон ҳаракатларини кўзатар эканман, сўрайман: Чўпон бува, болалар нечта?

— Омон бўлсин, унча кўп эмас, ўнтагина. Уларни катта қилиш қийин бўлмайптими?

— Катталар қилар экан. Бирин-кетин турмушга чиқиб кетяпти. Ишқилиб, борган жойлариди тинчсин, ўғиллар ҳади ёш. Билмадим, қимта қандаю, чўпон-

нинг боласи қўй кетидан эргашиб, катта бўлганини билмай қолар экан. Дашт кенг, зиёни тегмайди. Шуларнинг борига шўқ!

— Отарингизда қанча қўй бор? Бу йилги режаларингиз қандай?

— 398 бош совлиқ бор. Ҳозир уларнинг деярли ҳаммаси қўзилар бўлди. Қўпни ўстиришга қолдириямиз.

— Юз бош совлиқдан қанча қўзи оласиз?

Чўпон ерга қаради: — Энди бориши оламизда.

— Тажминан бўлсам, бирин рақамини айтинг-чи?

— Лаба, ваъданнинг юқи оғир бўлади. Ҳозирдан бир-норасе дега олмаيمان. Тамомлайлик-чи.

— Қанча маош оляенсиз?

— Ҳар бош қўйни боқаримиз учун ойига 27 сўмдан хак тўланади. Ишқилиб, етиб турибди. Бир-иккита мол-ҳол бор...

Ғ. БОБОҚУЛОВ.

БИЗКИМ, МУЛКИ ТУРОН...

Кажрафтор тарихнинг эътирофи этишича, ҳар бир халқнинг номи ва шони шу юртнинг соғиқ фарзандлари, улуг алломалари эзуг ишлари билан ёд этилади. Шунинг учун ҳам гаймлар қайсики миллатни эркинликнинг олмоқчи бўлсалар дастлаб уни тилидан, дину иймонидан, тарихидан ажратганлар. Умишдан айри халқ эса қанотсиз қушдек ўз қиёсасини йўқотган, ўзининг қимлигини унутган. Аммо тарих-адолат карвони, у ҳақсизликни тан олмайди. Вақт олдидан унинг юзи ёруғ, нигоҳи ўткир. У инсоният хотирасида мангу муҳрланган асл фарзандларини жаҳоирлар сандигида асрайди.

Амир Темури ҳам тарих саҳнада ўзига муносиб кўргон кўрган, жаҳонни титратган беш жаҳонгирнинг бириндир. Дунё тан олган бу ҳақиқатни СССР аталмиш империя узоқ йиллар унинг аждодлари — биздан ашриди. Мустиқиллик инояти-ла англандики, саховатпеша бобокалонимиз «қоңхўр», «жаллод» эмас, адолатпарвар, дину иймони бутун соғиқ инсон, қудратли қўшиқ сардори, энгилмас баҳоли, 27 ўлканинг буюк соҳибқирони бўлган.

Амир Темури 1336 йилнинг 9 апрелида Кеш (Шаҳрисабз) шаҳрига қарашли Ҳожа Йўлғор қишлоғида таваллуд топди. Отаси Амир Тарағай ва онаси Такина Хотундир.

Амир Темури она юрти учун оғир бир пайда тарих саҳнасида пайдо бўлди: Мамлакат мўғуллар зулми остида қолган эди. Амир Темури эса дунёнинг салкам ярмини босиб олган мўғул босқинчиларига қарши курашиб, мўғуллар Мовароуннаҳрни душманлардан халос этиб, уни мустиқил, марказлашган давлатга айлантиришга киришди. Мамлакатни бошқариш борасида адолатли қону-қоидалар жорий этди. Амалдорлар фаолиятини қаттиқ назорат қилди.

Халқи тўқ мамлакатга бой, қудратли бўлишини англаган соҳибқирон элга ер-сув, озодин ҳада этди. Суз омборлари, тўғонлар қурди, ариқлар қазинди, янги ерлар ўзлаштиришга эътибор берди. Давлат иқтисодиятини юксалтириш учун ҳунармандчиликни йўлга қўйди, бой-бадавлат ўлкалар билан савдонни ривожлантирди. Бу даврда Турон Буюк инак йўлининг энг серқатнов, серларнолд, гавжум қисмига айланди.

Амир Темури иқтисодий давлат арбоби сифатида фан ва маданиятни, адабиётни ривожлантиришга хизмат қил-



Мусаввир Маъмуд ЖУРАЕВ.

ди. Олим уламоларга катта марҳаматлар — иззат-икром кўрсатди. Давлатни бошқаришда ҳамини фозилу фузалолар маслаҳатини олган. Ҳар ҳам фалакиёт, тиббиёт, меъморчилик, математика илмларидан хабардор бўлган, шахматни яхши билган, ҳарбий тарихни севиб ўрганган.

Буюк соҳибқирон ҳаёти ва фаолиятини англаш, унинг ёдини келгуси авлодларга бус-бутун етказиш муқаддас бурчимиздир. Бу йўлда тинмай изланишимиз, тарих сандигидан ҳақиқат олтиқ жаҳоирларни асл ҳолича элга улашмоғимиз даркор.

ҚЎҚОНЛИК ЖАҲОНГАШТА

Араб денгизчиси Синдбоднинг ўн икки саёхатини бутун дунё билди. Теврлик савдогар Афанасий Никитиннинг уч денгиз оша саёхати ҳам машҳур. Ҳўш, улардан сира ҳам қолишмайди-ган ўзбек саёхатчиларини биласизми?

Бундан 190 йил муқаддам дунёга келган Ҳожи Муҳаммад Ҳакимхон Тўра (1803—1845)нинг олти йил давом этган уч қитъа ва уч денгиз оша саёхати (1822—1828) бу жиҳатдан диққатга лойиқдир.

Ўз даврининг етук ақлиси Ҳакимхон Қўқон холигининг Тўрақўрғонига ҳошим бўлган. Тавдир тақоси билан ўз юртидан ўзга элларга саёхатга чиқишига тўғри келган. У Россия, Туркия, Сурия, Фаластин, Миср, Арабистон, Эрон, Афғонистон каби мамлакатларда бошлан кўп саргузаштларни кечириди. Оренбург, Парижини, Астрахан, Мозалдарон, Синон, Дамашқ, Қоҳира, Сувайш, Макка, Мадина, Техрон, Машҳад, Нишопур, Андоҳи ва бошқа кўплаб шаҳарлар ҳаёти билан танишади.

У қаерда бўлмасин, ўзлигини унутмайди. Ўз миллати ва халқининг номуси учун курашади. Шунинг учун ҳам у билан ҳокимлар, губернаторлар ва ҳатто подшоҳлар ҳам ҳисоблашган.

Ҳакимхон Оренбург шаҳрига келганида рус императори Александр I ана шу жойда саёхатда юрган бўлади. У ўзбек элисини кўриб, у билан суҳбатлашиш ниётида ўз ҳузурига чақиради.

Рус подшоҳи билан Ҳакимхон узоқ суҳбат қуради. Русчада эркин гапирувчи бу одамнинг мулоҳазалари ва теран фикрлари Александрни мафтўн қилади. Император суҳбат якунида Ҳакимхонга тамакидон, олмас кўзли узук инъом этади. Энг муҳими Ҳакимхонга махсус ёрлик берадики, бунга кўра Россиянинг қўниб ўтадиган барча ша-

ҳар ва вилоятларида маъмурлар ҳурмат бажо келтиришлари зарур бўлган. Ҳакимхон бу ҳуқуқдан эзуғ мақсад йўлида фойдаланади. Масалан, у Астраханда бўлганида Малик Қосим деган черкас йигит билан танишади. Бу йигит руслар билан жангда асирга олинган ва шу шаҳарга сургун қилинган экан. Ҳакимхон Астрахан губернаторидан бу йигитни овоз этишни илтимос қилади. Губернатор император ёрлиғидан фармонга кўра Ҳакимхон илтимосини бажаришни лозим эди. Натигада Малик Қосимга рухсат берилади.

Черкас йигит ўзбек дўстидан бениҳоя миннатдор бўлади ва бу яхшиликни ҳеч қачон унутмасликка оинг итади. Ораддан кўп ўтмай Ҳакимхон тухмат билан бир шаҳарда ҳисса олиниб, турмага ташланганида Малик Қосим ўз йигитлари билан ёрдамга келади ва Ҳакимхонни овоз қилади.

Ўзбек сайёҳини Миср ҳукмдори Муҳаммад Али, Эрон подшоҳи Фатҳ Алишоҳ, Бухоро амри Насрулло шаҳсан қабул қилиб, унга ниҳоят ҳурмат-эҳтиром кўрсатишгани тасодифий бўлган. Ана шу жиҳатдан олганда нишода бениҳоят шундай савол туғилади: Мустиқил Ўзбекистон жаҳон саҳнага чиққан шу кунларда бизда ўз юрти, миллати ва халқининг шарафини ўзга элларда муносиб ҳимоя қила оладиган Ҳакимхонлар кўпми? Ҳакимхон саргузаштлари битилган «Мунтахаб ул-таворих» («Тарихдан сайланма китоб») асарини буюк ўтмишдошимиз ҳақида фахр туйғусини жўш урдирибгина қолмай келажак ҳақида чуқур мулоҳаза ҳам уйғотади.

Ҳамдам СОДИҚОВ,
Абдулла Авлоний мукофоти соҳиб.

«ТЕМУР ТУЗУКЛАРИ» ДАН

Биз ким, Мулки Турон, Амри Туркистонимиз. Биз ким, миллатларнинг энг қадими ва энг улуги Туркининг бошбўғинимиз.

«Ҳар бир фатҳ этилган мамлакатда у ернинг гадоларини тўллаб, қунадилик ейиш-ичишларини белгиласинлар. Барчаси тамғаласинлар, токи бошқа гадоллик қилмасинлар. Агар тамғадан кейин ҳам гадоллик қилгудек бўлсалар, уларни узоқ мамлакатларга сотиб юборсинлар ёки ҳайдаб юборсинлар. Шундангана гадо мамлакатимизда йўқолади».

«Ўғриллар хусусида буюрдики, улар қаерда бўлмасин, ким тўтиб олса, Есо (Чингизхон жорий этган қону) бўйича жазоласин. Кимки бировнинг молини эурлик қилиб олган бўлса, мазлумнинг молини эолимдан тортиб олиб, эасига топширсинлар. Агар кимда ким тип сандирса, кўни кўр қилса, қулоқ ва бурун кесса, шароб ичса, зина ишлар қилса, девондаги шариат қонунини ёки аҳд қонунини олоб бориб топширсинлар. Шарриатга онд ишларни эса аҳдос қонунини тафтиш қилиб, сўнг менга етказсин».

«Киминки ҳузуринга киритган бўлсалар ва кўзим унга тушган бўлса, қолга яраша ҳурматлаб, совғанишомлар билан кузатсинлар. Ҳар қандай одам жинг адолат девонидан паноҳ топан экан, гуноҳи бўлса кечирсинлар. Иккинчи, унинг яна гуноҳ қилгудек бўлса, у қонда гуноҳига яраша жазоласинлар».

«...Бутун мамлакатда буйруқ, фармон бериш ишларини подшоҳнинг ўзида бўлиши лозимки, ҳар ишда подшоҳ ўзи ҳукм чиқарсин. Токи ҳеч ким унинг ҳукмига аралашиб, ўзгартира олмасин».

«Ранят аҳволдан огоҳ бўлдим, улугларни оға қаторида, кичикларни фарзанд ўрнида кўрдим. Ҳар ернинг табияти, ҳар элнинг расми — одат, йўл-йўриқларидан воқиф бўлиб турдим, ҳар бир ўлка ва шаҳар аҳолисининг улуглари ва бузурғулар билан ошно бўлдим ва уларнинг ниҳозларига, табиятига тўғри келган, ўзлари тиллаган одамларини улуга ҳошим қилиб тайинладим. Ҳар бир днёр аҳолисининг аҳволдан огоҳ бўлиб турдим. Ҳар бир мамлакатнинг аҳволини сипоҳу ранят қайфиятини, турмушларини, ҳулқ-атворларини, қилмиш-қилдиришларини, булар ўртасидаги алоқаларни ёки менга билдириб туринг учун аёнати, тўғри қаламлик кинишлардан воқеанамилар белгиладим. Бордию нотўғри нарса ёган бўлса, бундай воқеанамиларни жазоладим. Ҳокимлар, сипоҳ ва ранятдан қайси бирининг халқга жабр-зулм қилганини эшитсам, инсоф-адолат билан дарҳол унинг чорасини кўрдим».

Пиру комил шайх Баҳоуддин Нақшбандийнинг «Кам егин, кам ухла, кам гапир» деган панду насихатларига амал қилдим. Арқону давлатга, барча мулозимларга ҳам айтар сўзини шу бўлди: «Кам енглар — очарчилик кўрмасдан бой-бадавлат шайсанлар, кам уланглар — муқамилликка эришсанлар, кам гапиринглар — доно бўласанлар».

«Мен ҳаётим мобайнида беш нарсга қатъий эътиқод қўйдим ва ҳаминишларга амал қилдим. Улар ушбулардир: АЛЛОҲ — ул ҳар нарсга қодир куч, сидқидилдан сиғинсанг истган муроду мансадинга етказилади. ТАФАҚҚУР — фикрдан ва мушоҳада қобилияти, қувват ҳафизаси кучли инсон ҳар қандай мушкул мушкулдон асос қилиш йўлини топа олади.

ҚИЛИЧ — ул йигитнинг йўлдоши, эл-юрт осойишталигининг посбони, ҳар қандай душманини маҳв этиш қуроли, анинг қурасти ила динсаларни динга солмоқ мумкин.

НИМОН — ул инсонни барча жонлардан фарқлантириб тургувчи хусусиятидир. Иймонли одам хинбат қилмайди, қариндош-уруғлари, элу халқнинг ор-но-муслини ҳимоя қилади, ҳалоллик ва покликни фазилат билдири.

КИТОВ(БИТИК) — барча бунёдкорлик, яратувчилик ва ақл-идрокнинг, илму дошнинг асосидир, ҳаётини ўргатувчи мураббийдир.

Бош муҳаррир Н. ЕҚУБОВ.

Рўзмона таҳрир қилган: Н. ҚАЮМОВ, М. ИСЛОМОВ, М. МИРЗАЕВ, Ҳ. РАҲМАТИЛЛАЕВ, М. ҚАЮМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), С. САЙДАЛПЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), О. ҚОҲУРОВ (масъул котиб), М. ОРФИЖОНОВ, К. РИХСИЕВ, Э. ИБРОҲИМОВ, Р. БОБОМУҲАМЕДОВ.

БИР ПИЁЛА ЧОЙ ДАҲАҲА ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

ҚАЛБЛАРНИ РОМ ЭТГАН ОҲАНГЛАР

Андижонда ўзбек халқ чолғу асбоблари ва баян ижрочиларининг XII республика тайлови якунланди. Сангиз кун давом этган бу кўринда республикамиз ўрта махсус санъат билим юртининг 71 нафар талабаси созадаллик маҳоратини намойиш этди.

Таниқли бастакор ва мутахассислардан иборат ҳакамлар ҳайъатининг қарорига мувофиқ тошкентлик найчи Яйра Даветова, Бухоро вилоятидан рубобчи Лазиз Аҳроров, гулистонлик чанги Нилуфар Иброҳимова, фарғоналик дуторчи Гулбаҳор Гофурова, тошкентлик сурнайчи Комил Мўминов, бухоролик баянчи Рўза Ягудаева кўрик-танлов шохсупасига кўтарилдилар.

Танлов ғолиблари республикамиздаги санъат ўқув юртинларига имтиёзли кириш ҳуқуқига эга бўлиди.

ОСМОНДАГИ ДАРЕ

Ер юзасидаги дарё ва кўлларнинг сувидан кўтаришган буг шамол суриб, тарқалиб кетади деган фикр нотўғрига ўхшаб қолди. АҚШнинг Массачусет технология институ олимлари ер суний йўлдоши туширган суратлар ва ўлчовларни текшириш жараёнида атмосферада оқими тез буг дарёлари пайдо бўла бошлаганини аниқлашган.

Осмонда аниқланган буг дарёларининг сони ҳозирча олтига. Улардан бири Бразилия жанубидан бошланади. Бирни Марказий Европа устидан оқайди. Шу кунларда олимлар буг дарёларининг оқими абадийми ёки ўзгариб турадими, деган саволларга жавоб қидиришмоқда.

Сўраган эдингиз

Чиндан ҳам сақич чайнаш эски урф-одатлардан саналади. Уни фақат болаларгина эмас, балки катта ёшдаги кишилар хусусан, кўпроқ аёллар хуш кўришади. Таъкидлаш жоизки, у бутун Марказий Осиё халқлари ўртасида кенг тарқалган. Илгари асосан кўпгина фойдали жиҳатлари бўлган оқ сақич чайналган. Уни аёллари мўмийси ва қанфолни кўшиб тайёрлашган. Маълумки, бу мўмий таркибда инсон танаси учун талай фойдали ва зарур моддалар: темир, йод, кальций, натрий, калий мавжуд. Қанфолни эса касаллик чикарувчи микробларга қарши таъсир этиш хусусиятига эга.

Ҳўш, сақич чайнашнинг қандай нафи бор? Аввало у сўлак безлари кўпроқ суюқлик ажраттишига ёрдам беради. Бунинг ҳисобига оғиз бўшлиғи ва тишлар ювилиб, овқат тозаланиб туради. Шунингдек, юз терилари ва мушакдалар (кислоталар) миқдори оз ёки кўп бўлса, уларни



Халқ бахшилари азал-азалдан қадрлаб келинади.

Улар ҳозир ҳам Ҳоразм, Бухоро, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида ўз чинкиларини билан меҳнатқашлар дилини хушнуд этмоқдалар.

Қизилрўи районда истиқомат қилувчи Гулбой Мирзаев кўилдаги «достон ва ўлганлар кўпчилигига манзур бўлаётир».

СУРАТДА: бахши Гулбой Мирзаев.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ
олган сурат.

САҚИЧ

«Ҳурматли таҳририят аъзолари!

Сўраб-суриштирсам, сақич чайнаш азалдан урф бўлиб келган экан. Онамнинг айтишларича, аввалгилари оқимтар, хушбўй, таъми ёқимли бўлган. Кейинчалик қораси тарқалган, ҳозир эса резина сақич турлари кўпайди. Қайси хил маълумат Умуман, уни чайнаш инсон учун фойдалими ёки зарарли Илтимос, шу ҳақда маълумот берсаларингиз».

Саноат МИРЗАЕВА,
Китоб район, Мусобозор қишлоғи.

Бундан ташқари юзнинг юқори қисмидаги томиларда қон ҳаракатланиши яхшиланган одам тетикашади. Негаки, улар мия томиларини билан чамбарчас боғлиқ.

Турли ошқозон хасталикларини билан оғриган беморларга ҳам сақич чайнаш тавсия этилади. Шундай қилишганда меъда шиллиқ қавати ва шира безлари фаолияти яхшиланади, овқат ҳазм бўлиши тезлашади.

Ширадаги парчалошчи моддалар (кислоталар) миқдори оз ёки кўп бўлса, уларни меъдалаштиришга ҳам таъсир этади. Чунончи, зиед бўлган тақдирда, сақич чайналганда кўп сўлак ажралди, меъда ширасини суюлтирибди ва ундаги кислоталилик даражасини камайтиради.

Баъзи ёшлар сақични эрмак учун, эртаю кеч чайнаб юришадими, бу инсон саломатлиги учун зарарлидир. Сабаби, бундай ҳолларда сўлак безлари тезда ишдан чиқинчи, ёки соғлом кишини меъда-ичак касалликларига чалиштириши мумкин. Шу боисдан са-

қични эрталабки нонуштадан, тушлиқдан ёхуд кечки овқатдан кейин чайнаган маъқул.

Энди сақич турлари ҳақида. Юқорида билдирилган мулоҳазалар оқ-боболаримиз ёқтиришган оқ сақичга тааллуқли. Ҳолбуки, сўнгги пайларда том устини ёпишда, ер остига кўмиладиган қувурларда ишлатиладиган қора смолани, ҳар хил резина сақичларини чайнаш ҳам расм бўлди. Улар тўғрисида бирон-бир иқобий фикр айтиш қийин. Хусусан, хориздан келтирилган сақичлар асоси полимердан иборат, уларга турли ҳид берувчи моддалар қўшилган.

Бинобарин, ўзимизнинг оқ сақич синовидан ўтган, ишончли. Уни кўп миқдорда тайёрлаш ва сотувга чиқаришни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқдир.

К. БАҲОДИРОВ,
тиббёт фанлари доктори, профессор.

БОСОЛАРИМИЗНИНГ айтишларича, анорнинг ичиде қанча ширани донга бўлса, шунча хасталикка даводир. Чунончи, рум ва юнон табобатида нордон анор безгак курунга таскин берувчи, меъда айланишида нафли ҳисобланар эди. Шарқ табобатида анорнинг илдизларини майдалаб алош шарбабти ёки сабури билан аралаштириб қаттиқ лат еганда, суяк синишларида оғриқ қолдирувчи омил сифатида тавсия этилган. Анор гуллари ва мева пўстлоқларининг қайнатмаси қорин оғрини ва кулунгга ёрдам беради, анор гуллари воситасида тайёрланган буглама ярлар иллатини тортади. Усимликнинг илдиз пўстлоқларидан тайёрланган дамлама гижжаларнинг додими беради.

Халқ табобатида анор дахлати пўстлоқи, меваси ва гулли қўтир, йўтал, сариқ касалликлариде хайри омил сифатида қўлланилади. Мева шарбати эгинда (лавша) касалликда ва ишда очувчи неъмат бўлиб хизмат қилади.

Агар мева пўстлоқининг кулли сарие ёки мол ёки билан қирбонт этилиб суртлса, теридеги ярлар тезда тўзалади.

ҲАР ДОНАСИ ШИФО

Мева пўстлоқи қайнатмаси оғиз бўшлиғининг ялланиши билан боғлиқ бўлган хасталикларга даво бўлади. Бунинг учун қайнатма билан оғиз фар-ғара қилиниши лозим.

Илмий тиббятда ҳам анорнинг шифобахш хусусиятларини инобатга олишган бўлиб, ўсимликнинг илдиз пўстлоқидан тайёрланган доривор тасмасмон гижжаларни туширишда ишлатилади, мева пўстлоқидан тайёрланган қайнатма билан қорин оғрини даволанади.

Манбаларда келтирилишича анор, олма, беҳи, лимон, отқулоқ, ошқовоқ, нилуфар ва кашани шираларининг тегиқ миқдорда аралаштириб қайнатилган қуноқ шарбабига асал қўшиб истаҳол қилинса, сифро ташлаш, тиниқ кўриш, дардига иқобий таъсир кўрсатар экан.

Анорнинг бунчалик селёсийликка сабаб нима? Бунга анор ва унинг махсусотларинда жо бўлган ҳайббахш дармондориларнинг қўлғилдир. Чунончи, анор таркибиде киши аъзоларига сингувчи, иштакча очувчи, овқат ҳазм қилишда иқобий таъсир этувчи органик кислоталар, қанд (фруктоза, сахароза, глюкоза кўринишида), «С» витамини, фолат кислотаси, танин, қоннинг таркиб топшишда муҳим аҳамиятга молик бўлган темир бор.

Анор серҳасият деракт бўлиши билан бирга манзара ва зийнат кешф этувчи ҳамдир. Унинг берги силлик, локувард янгли ялтироқ, жиполи, кўриниши тухумсимон, шохлари қиске бандли бўлиб, қарам-қарши жойлашган. Анор май-август ойлариде ўзининг қир-миз, лавларини гулларики намойиш этиб, ниҳоятда жозибаси билан кишини ром қилади.

Улкамизда анорнинг қизил, қозоқи ва оқ донга навлари кўплаб етиштирилади. Айниқса, Сурхондарё воҳасидаги дашнобд анори ўзининг шифобахшиги билан ажралаб туради. Шу боис анорзорларни кенгайтирайлик!

Шонилё ШОҲАЙДАР
ўғли.

ЯНГИ ТўПЛАМ

Қорақалпоғистонлик шоира Гулистон Матқубова-нинг Нукус шаҳридаги Ш. Сейтов китоб фирмасида чоп этилган янги тўплам «Мен сен учун яшайман» деб номланган. Мазкур тўплам «Қорақалпоғистон» нашриётида босилган илди ўзбекча асардир.

Тўпламга Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ шоирини Ибройим Юсупов сўз боши ёзган.

(ЎЗА)

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32

ТЕЛЕФОНЛАР, муҳаррир ўринбосарлари — 33-44-43, 33-16-27. Масъул котиб—33-09-93, Масъул котиб ўринбосарлари—32-56-25. Дехқончилик бўлими—32-56-35, 32-54-51, 33-09-93. Қайта ишлаш сановати бўлими—32-56-31. Иجتимоий ҳаёт бўлими — 32-56-34. Чорвачилик бўлими—32-56-22. Мелиорация ва қишлоқ қурилиши бўлими — 32-56-33. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими — 32-56-36, 33-09-93. Ахборот ва спорт бўлими — 32-54-54. Шўқоят, хат ва маълумий органлар бўлими — 32-54-49, 32-54-52. Базити бўлими — 32-58-79.